

Судланганинг ҳаракати нотўғри квалификация қилингани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг 2014 йил 2 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2013 йил 23 сентябрдаги ҳукмига кўра, Б. Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" банди билан, Жиноят кодексининг 45, 57-моддалари кўлланиб, 3 йилга муайян хуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. жазони ижро этиш муассасаси тартибот бўлими тезкор вакили масъул мансабдор шахс лавозимида ишлаб келиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкум М.га ноқонуний енгилликлар яратиш, белгиланган тартибдан четга чиқиб, қариндошлари билан телефон орқали сўзлашувига рухсат бериш эвазига ундан пора талаб қилиб, 2013 йил январь ойида М.нинг таниши Д.дан 100.000 сўмлик аёллар этигини, 2013 йил 19 июнда маҳкум М.ни жазони ижро этиш муассасасидан манзил колонияга чиқишига кўмаклашиш эвазига Д.дан 500 АҚШ доллари, «Нокия-206» русумли уяли телефон ҳамда ҳарбий форма учун мўлжалланган 3,5 метр газламани пора тариқасида олганликда айбдор деб топилган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида, пора олишда айбланаётган мансабдор шахснинг масъуллик ҳолати масаласи суд томонидан ушбу шахснинг эгаллаб турган лавозими, амалга оширадиган хизмат амаллари ва вазифаларининг аҳамияти, зиммаларига юклатилган хуқуқ ва ваколатлар, шунингдек, айбдор

ишилган ташкилотнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Конунчиликда шахсни масъул мансабдор шахс деб топиш учун унинг давлат корхонасида, муассасада ёки ташкилотда ташкилий — фармойишли ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ лавозимга эгалиги ва унинг ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳаракатларни содир этишга ваколати муҳимлиги белгиланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Б.нинг айбилилиги ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Б. жазони ижро этиш муассасасида тартибот бўлими тезкор вакили лавозимида ишласа-да, мустақил тарзда хизмат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлмасдан, унга жиноят иши қўзгатиш, барча ёхуд кўпчилик фуқаролар ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган фармойишилар бериш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ ваколатлар берилмасдан, чекланган ваколат асосида хизмат вазифасини бажариб келган.

Бундай ҳолда, Б.нинг ҳаракатларини масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш сифатида баҳолаб бўлмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 29 январдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, Б.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми "б" бандидан шу модда 2-қисми "а,в" бандларига қайта квалификация қилиниб, Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, З

Йилга муайян хуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Nazorat иши № 5-3-15